БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 226 (16.612). | 26 сентябрь, 1976 йил, якшанба | Баҳоси 2 тийин.

СУРЪАТГА СУРЪАТ ҚЎШАЙЛИК!

КИТОБ — ЗИЁ ЧАШМАСИ

Китоб — инсон заковатининг бебаҳо чашмаси, китоб халқимизнинг ҳаёти, у инсон тафаккури жавоҳирларини жамулжам қилиб аждодлар ютуқларини авлодларга мерос қилиб қолдиради. Чунки китоб-офтоб, чунки у бир авлоднинг иккинчи авлодга маънавий меросидир. Бир бор ўқиладиган асарнинг ҳозирги куни бор, такрор-такрор ўқиладиган китоблар мангуликкка даҳлдор.

Остона ҳатлаб илк бор мактабга кириб келган бола дафъатан алифбени очганида, кўз очиб мустақил равишда қўлига олган шу китоби — инсон даҳосининг буюк кашфиёти — илм-фаннинг қудратли калити, дурдоналар хазинаси эшигини очишида, табиат ва жамият қонунларини ўрганишида мислсиз ёрдам беражагини мурғак ҳаёлига ҳам келтирмайди. Худди шу аснодан бошлаб, ўқитувчи ўзининг кенжа ўқувчисига китоб ёнма ва унинг ҳаётда тутган ўрнини эринмай тушунтиришни бошлаши ва бу ишни изчиллик билан давом эттириши керак. Китоб синфда ўтирган ўқувчининг олам атрофида саёҳат қилишига имкон беради.

Китоб ўқиш — мутолаа ёшларнинг ўз истеъдодини тўғри белгилаб олишига, бирор касбни онгли танлашига, уни санъат даражасига етказишига, табиат ва жамият тараққиёти қонунларини тўғри билиб олишига, илмий дунёқарашини тугал шаклланишига мислсиз ёрдам беради. Шунинг учун ҳам, айниқса, мактаб кутубхоналарини янги китоблар билан муттасил бойитиб боришнинг аҳамияти катта. Бунда, албатта, ҳар бир ўқитувчининг ўзи энг яхши ўқувчи бўлмоғи, янги ва ноёб китобларнинг собитқадам пропагандисти даражасида туриши талаб этилади. Китоб пропагандаси кутубхоналар ёки китобхонлар жамияти бошланғич ташкилотларининг ишигина бўлиб қолмай, айни вақтда ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар, институт ва университетларнинг ва бошқа идеология муассасалари партия ва комсомол ташкилотларининг жонажон ишидир.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг оталарча ғамхўрлиги туфайли совет халқи энг саводхон, энг ўқимишли халққа айланди. Китоб нашр этиш бўйича мамлакатимиз аллақачон жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олган. Бизда китоб билим ва илҳом манбаи, зиё чашмаси бўлиб, меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий, ақлий-ахлоқий ҳамда эстетик тарбиялашда муҳим вазифани бажармоқда. Шуни айтиш кифояки, тўққизинчи беш йиллик мобайнида фақат республикамизда 10,5 минг номда, умумий тиражи 162,6 миллион нусхада китоб нашр этилди. Республикамиз нашриётларида босилаётган китоблар жаҳоннинг 90 дан ортиқ мамлакатига юборилмоқда. Кутубхоналар, китоб магазинлари, киосклари ва нашриётлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Китоб пропагандасига эътибор кучаймоқда. Бироқ, бу борада ҳали хал этилиши лозим бўлган вазифалар бор.

Китоб муҳислларининг ишларини уюштириш ва бошқариб туриш, босма нашрларни ижчиллик билан тарғиб этиш ва тарқатиш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда китобдан янада самаралироқ фойдаланишга кўмаклашиш мақсадида тузилган Ўзбекистон ССР китобхонлар кўнгилли жамияти ўтган қисқа вақт ичида бир талай ибратли ишлар қилди. Бу борада, айниқса, жамиятнинг Андижон область ва Қорақалпоғистон АССР бўлимлари алоҳида ибрат кўрсатмоқдалар. Аммо, китоб ихлосмандлари Тошкент шаҳри ва области, Жиззах, Самарқанд областлари бошланғич ташкилотларининг фаолияти шу кунининг юксан талабларидан орқада қолмоқда.

Республикадаги баъзи илмий, техникавий, махсус кутубхоналар ўзларининг оммавий ўқувчиларига эга эмас, айрим кутубхоналар кечқурунлари ва дам олиш кунлари ишламайди. Баъзи қишлоқ кутубхоналари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бундай аҳволни Бухоро областида учратиш мумкин. Баъзи китоб савдоси ташкилотларининг айби билан кутубхоналарга китобхонларни қизиқтирмайдиган, улар кутган китоблар ўрнига дуч келгани жўнатилаверади. Баъзи ҳолларда айрим нодир ва ноёб китоблар савдога чиқарилмай, айрим кишиларнинг китоб жавонида безак вазифасини бажармоқда. Айрим областларда кутубхоналар типовой биноларга жойлаштирилмагани учун ҳам ўқув заллари тор. Айниқса, бу борада Наманган областида ҳали нўп иш қилиниши лозим.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, республикамиздаги кутубхоначиларнинг қариб ярми махсус маълумотга эга эмас. Бу соҳа мутахассисларини йил сайин кўплаб етиштириш Тошкент Давлат маданият институтининг муҳим вазифаларидан биридир.

Шуни унутмаслик керакки, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, ҳозирги жамиятда китоб моддий ва маънавий маданиятни ривожлантириш, дунёни билиш ҳамда кўп асрлик тарих мобайнида инсоннят яратган маънавий бойликларни оммалаштиришнинг қудратли воситаси бўлиб қолди.

Инсон сувсиз ва ҳавосиз яшай олмаганидек, доно ва саминий маслаҳатчи бўлган китобсиз ҳам яшай олмайди. Билимлар хазинаси бўлган китоб совет кишиларининг маънавий эҳтиёжига айланиб бормоқда. Республика меҳнаткашларининг турмуш шароити ва маданияти йил сайин фаровонлашяпти. Лекин шунга қарамай, айрим онлаларда зеб-зийнатга ружу қўйилгани ҳолда, китоб харид қилишга лоқайдлик билан қаровчи кишилар онда-сонда бўлса-да учраб қолмоқда. Ваҳолонки, китобсиз уй — бамисоли жонсиз тананинг ўзи эканлигини унутмаслик керак.

Китобни ўзининг энг яқин ҳамроҳи, дўсти деб билган В. И. Ленининг «КИТОБСИЗ — БИЛИМ БУЛМАЙДИ, БИЛИМСИЗ — КОММУНИЗМ БУЛМАЙДИ» деган муқаддас сўзларини ҳар бир кишининг қалбига жо қилиш партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, айниқса, идеология фронти толмас жангчилари бўлган халқ ўқитувчилари ва республика китоб ихлосмандлари ташкилотларининг жонажон ишидир.

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

Жонажон партиямизнинг тарихий XXV съезди совет деҳқонлари олдига қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан ривожлантириш, дон, пахта, гўшт, сут ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш каби улуғвор ва масъулиятли вазифани қўйди. Барча хўжаликларнинг коллективлари сингари колхозимиз аъзолари бу вазифани бажаришга, пахта ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлигини ошириб ҳамда ялпи ҳосилини кўпайтириб, ўнинчи беш йиллиги юксак самарадорлик бош йиллигига айлантиришга қатъий қарор қилдилар.

Шу мақсадда улар бу йил баҳорда 1005 гектар майдонга яхши ният билан чигит экдилар. Экилган уруғ текис ва соғлом ундириб олинди. Тўпа гектарлар ҳосил қилинди. Ғўза парваришининг агротехника комплекси белгиланган муддатларда ўтказилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг мамлакатимиздаги бир группа машҳур механизаторларнинг хатига жавоби ва Мирзачўл районидаги Абай номли совхознинг Расул Ҳайдаров бошлиқ бригадаси коллективига йўлланган мактубдан руҳланган пахтакорларимиз гектаридан 45 центнердан ҳосил олиш ҳақида йил бошида қабул қилган мажбуриятларини қайта қараб чиқдилар ва ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш ҳақида сўз бердилар. Далада ана шу юксак мажбуриятни тўла-тўкис бажариш имконини берадиган даражада мўл ҳосил тўпланди ва у эрта етилди.

Лекин иш фақат мўл ҳосил етиштиришнинг ўзи билангина битмайди. Энг муҳими уни қисқа муддатда нобуд қилмай йиғиб-териб олиш, план ва мажбуриятни муваффақиятли бажариш керак. Буни эътиборга олиб, терим агрегатлари, транспорт воситаларини вақтида сифатли ремонт қилдик. Хирмон жойлари, йўл ва кўприклар, тош-тарози хўжалигини тахт қилиб қўйдик. Дефолиацияни белгиланган муддатда сифатли ўтказдик. Натижада ғўзанинг барги текис тўкилди. Кўсакларнинг очилиши тезлашди.

Мавжуд 22 та терим агрегати икки сменада тўла қувват билан ишлатилмоқда. Механизаторларимиз чинакам қаҳрамонлик намунасини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Машинаатор туфайли терим суръатини кун сайин тезлаштириш, давлатга тобора кўпроқ пахта топшириш имкони вужудга келди. Ҳар бир машина билан бир кунда ўрта ҳисобда 13-15 тоннадан пахта теріляпти. Ҳар куни қилинаётган ишлар планининг 10-11 процентига миқдорида пахта теріляпти ва тайёрланяпти.

Шавкатли механизаторларимиз, барча пахтакорларимиз эрта баҳордан буён қилган меҳнат ўзининг дастлабки қувончли натижасини берди. Колхозимиз давлатга пахта сотиш юзасидан белгиланган халқ хўжалик планини 9 иш кунида республикада биринчи бўлиб ошириб бажарди. Давлат омборига пландаги 3115 тонна ўрнига 3200 тонна аъло сифатли «оқ олтин» топширилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар гектар ердан 31 центнердан эмас, балки пахта теріб олинди. Ҳали барча майдонда биринчи терим тугаллангани йўқ. Ҳосили теріляпти. Ҳосили теріляпти ва ер ҳайдаляпти. Ҳосили теріляпти ва ер ҳайдаляпти. Ҳосили теріляпти ва ер ҳайда

БУГУН — МАШИНАСОЗЛАР КУНИ

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН

Жонажон партиямиз XXV съезди ўнинчи беш йилликнинг асосий вазифаси — Коммунистик партиянинг халқ турмуши моддий ва маданий даражасини юксалтиришга қаратилган йўлини изчиллик билан ишлаб чиқаришни муттасил ва пропорционал ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, халқ хўжалигининг барча бўғинларида иш сифатини бутун чоралар билан яхшилаш асосида изчиллик билан амалга оширишдан иборат, деб белгилади. Узбекистон Компартияси XIX съезди ўнинчи беш йиллик топшириқларининг муваффақиятли бажарилиши учун машинасозликка алоҳида эътибор бериб, ишлаб чиқариш ҳажмини беш йил ичида 1,6 баравар кўпайтириш вазифасини қўйди.

Республикамизда, шунингдек электрон, электр техника, радио ва химия саноати, енгил ҳамда озиқ-овқат саноати учун машина ва ускуналар ҳамда пахтачиликни ва мелиорация ишларини комплекс механизациялаш мақсадида машиналар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга катта аҳамият берилади. Республикамиз машинасозлари олдида турган бу асосий вазифалар мавжуд корхоналарни реконструкциялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини жорий қилиш, фондлар самарадорлигини ошириш, янги қувватларни ўзлаштириш, сменалар иш коэффициентини кўтариш, меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларни ҳар томонлама тежаш, самарадорлик ва сифатни ошириш комплекс программасини кенг тадбиқ этиш йўли билан амалга оширилади.

Биз республикамизнинг «оқ олтин»ўлкаси эканлиги билан ҳақли сурватда фахрланамиз. 1980 йилга бориб Ўзбекистон давлатга 6 миллион тоннага яқин пахта армуғон этишга аҳд қилган. Мана шу юксак мажбуриятнинг устидан чиқиш учун пахтачиликда техникани жадал суръатлар билан тараққий эттириш талаб қилинади. Бу эса ўз навбатида машинасозлар олдига ҳозиргидан кўра такомиллашган ва юксак унумли турли хил қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш вазифасини қўяди.

Бунинг учун Тошкент трактор заводида «Т 28х4М» тракторининг қуввати 80 от кучига етказилиб, у герметик кабина билан жиҳозланади. Ҳозирдаёқ тор ва кенг қаторли эгатларда ишлаш учун «Т 80Х» ва «Т 120Х» пахтачилик тракторлари яратилди. Мазкур корхона 1977 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб «МТЗ-80Х» тракторларини ишлаб чиқаришга киришиб, ўнинчи беш йиллик охирларида шундай агрегатлардан 12 мингтасини тайёрлайди.

Қишлоқ хўжалигининг пахта териш техникасига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида «Ташсельмаш» заводининг биринчи навбатини реконструкция қилиш 1978 йилда тугалланади. Келаси йили эса пахтани яруслаб терувчи ҳамда ингичка толали «оқ олтин»ни йиғиштириб оладиган «зангори кема»лар цехи қурилади. 1977 йилдан бошлаб ингичка толали пахтани йиғиштириб оладиган агрегатларни оммавий суратда ишлаб чиқаришга киришилади.

Ўзбекистон машинасозлари тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш, чидамлилигини ошириш, ишлатилиш муддатларини узайтириш учун қатор ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширмоқдлар. Шу йил 1 сентябргача 110 хил машина ва ускуналар давлат Сифат белгиси билан тақдирланди. 20 сентябргача эса машинасозлик корхоналарининг яна 42 хил буюми Сифат белгисини олди. Булар орасида «Ташхиммаш» заводининг «ОВХ-14» чанглагич-пуркагичи, «Ўзбекхиммаш» заводининг уч хил маҳсулоти, «Ташкентканбель» заводининг геофизик ва телефон кабеллари, «Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг 12 хил маҳсулоти, «Компрессор» заводининг вакуумли компрессори, Чирчиқдаги трансформатор заводининг подстанция ва трансформаторлари, Самарқанд лифтсозлик заводининг лифти ҳамда «Ташэлектромаш» заводининг «ТД-502» трансформатори бор. Умуман, 1976 йилнинг биринчи ярмида машинасозлик корхоналарида давлат Сифат белгиси билан 143,32 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,3 процент кўпдир.

Бироқ, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг техник даражаси ва сифатини оширишдаги ютуқлар билан бирга жиддий камчиликлар ва фойдаланилмаётган резервлар ҳам мавжуд. Текширишлар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқаришнинг ва меҳнатнинг қониқарсиз ташкил этилганлиги, технология интизомининг пастлиги ва маҳсулот сифатини назорат қилишнинг бўшлиги машинасозлик корхоналари маҳсулотларининг сифатига жиддий таъсир қилаётир.

Юқорида айтилган камчиликлар ҳамда хатоларни тузатиш республикамиз машинасозларининг қўлидан келади. Қаҳрамон ишчилар синфининг шу кунлардаги фидокорона меҳнати бундан далолат бермоқда. Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш», «Таштекстильмаш», Самарқанд лифтсозлик, Тошкент агрегат, компрессор, трактор, экскаватор заводлари, Андижон машинасозлик ва Тошкент электр техника заводлари коллективлари ўзларининг анъанавий Машинасозлар байрамини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олдилар. Натижада республикамиз оғир саноат корхоналари ажойиб ютуқларни қўлга киритди. 1976 йилнинг 8 ойи мобайнида маҳсулот реализация қилиш плани 101 процент адо этилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 7,8 процентга ошди. Пландан ташқари салкам 24 миллион сўмлик буюм реализация қилинди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкент тўқимачилик комбинати йигирувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраевага йўллаган табрикномаси, ундаги: «Партиямизнинг халқ манфаатларидан бошқа манфаатлари йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас», деган сўзлар Узбекистон машинасозларининг кучига-куч ва ғайратига ғайрат қўшди. Янада яхшироқ ва унумлироқ ишлашга қизғин иштиёқ уйғотди.

Шу кунларда машинасозлик корхоналарида 1976 йил, умуман, ўнинчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари ўринлатиш учун социалистик мусобақа кенг авж олдириб юборилган. Минглаб ишчилар Ўнлар ташаббусига қўшилиб, бир беш йилликда икки беш йиллик нормасини адо этиш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш иштиёқи билан зарбдор меҳнат қилмоқдалар. Биз «Ташсельмаш» заводининг 1977 йил қисобига маҳсулот ишлаб чиқараётган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, йўнувчи-токари Борис Ефремов, тунукасоз слесари, КПСС XXV съезди делегати, республика Олий Совети депутати Маҳмуд Мўйдиновлар билан чексиз фахрланамиз. Улар машинасозларнинг ўзаро социалистик мусобақасида карвонбошилик қилишяпти. Йўнувчи-токарь Г. Огарков, пайвандчи Х. Абдуғаффоров ва йиғувчи-слесарь Д. Илиевлар эса улардан қолишаётганлари йўқ. Умуман, биргина шу корхонанинг ўзида 500 га яқин ишлаб чиқариш илғори ўнинчи беш йиллик дастлабки босқичи топшириқларини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Беш йиллиқнинг бундай қаҳрамонларни исталган машинасозлик корхонасида учратиш мумкин.

Шубҳа йўқки, Узбекистон машинасозлари фидокорона меҳнатлари билан ўнинчи беш йилликдаги тиғиз планларнинг бажарилишини таъминлайдилар ва жонажон партиямиз XXV съезди қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшадилар.

Ғ. НАРУМБОЕВ,
Узбекистон ССР Министрлар Совети оғир саноат бўлимининг катта референти.

ИЛҒОР КОРХОНАДА

«Таштекстильмаш» заводи коллективи машинасозлар кунини натта муваффақиятлар билан кутиб олди. Корхонада яратилган «ПК-100 ШЛ» маркали толани йиғириб пишитадиган янги машина Лейпцигдаги халқаро ярмаркада олтин медалга сазовор бўлди. Суратда: заводнинг илғор йиғувчи-слесарлари (чапдан) М. Переверзев ва В. Андреев ўртоқлар.

Ш. Иброҳимов фотоси. (ЎзТАГ).

Ўртоқ Мирзамаҳмуд Мирзараҳмонович МУСАХОНОВга

Азиз Мирзамаҳмуд Мирзараҳмонович, бошингизга тушган оғир жудолик — рафиқангиз Жамила Акромовна вафот этганлиги муносабати билан Сизга ўзимизнинг чуқур ҳамдардлигимиз ва таъзиямизни изҳор этамиз.

Биз ҳаммамиз Жамила Акромовнани болаларнинг самимий ва меҳрибон тарбиячиси, меҳнатсевар ва камтарин инсон сифатида яхши билардик. Жамила Акромовнанинг порлоқ хотираси қалбимизда сақланиб қолади.

Ш. Р. Рашидов, И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, А. А. Хўжаев, Қ. Камолов, Н. М. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. С. Абдалин, Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, Г. А. Габриельянц, И. В. Марциняк, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев.

«КОСМОС-857» ПАРВОЗДА

1976 йил 24 сентябрда Совет Иттифоқида ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-857» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координацияҳисоблаш маркази олинган маълумотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).

МАШИНАСОЗЛАР БАЙРАМИ

24 сентябрь куни Москвада машинасозлар кунига бағишланган тантанали мажлис бўлди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков доклад қилди. У машинасозлар ўнинчи беш йиллиқни дадил бошлаганликларини таъкидлаб ўтди.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номига яқдиллик билан қабул қилган мактубда машинасозлар партия XXV съезди ўз олдиларига қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун кучғайратларини аямайдилар, деб ишонтирдилар. (ТАСС).

АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛСИН

ФАРҒОНА. 24 сентябрь куни меҳнаткашлар депутатлари Фарғона область Советининг сессияси бўлди. Сессияда Узбекистон ССРнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонуни талабларини бажариш соҳасида маҳаллий Советларнинг вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Сессияда область Советининг халқ маорифи доимий комиссиясининг иши тўғрисидаги ҳисобот ҳам тингланди.

СОВЕТ МУЗИКАСИНИНГ ИФТИХОРИ

24 сентябрь куни Москва консерваториясининг катта залида шу санага бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Шостаковичнинг катта сурати залдаги саҳнани безатиб турди. Моҳир композиторнинг кўпдан-кўп асарлари бу ерда биринчи марта янграган.

СССР композиторлар союзи правлениесининг биринчи секретари Т. Н. Хренников Шостакович тўғрисида доклад қилди.

...Консерватория залида бу кечада Шостаковичнинг музикаси кишилар қалбини мафтун этиб турди. Унинг бешинчи симфонияси ҳамда оркестр билан скрипка учун ёзилган биринчи концерти ижро этилди.

* * *

Глинка номли музика маданияти музейида ўша куни Д. Д. Шостакович туғилган куннинг 70 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. «Совет халқининг қаҳрамонова йўлини, унинг ғалабалари ва эришган муваффақиятларини ғоят ранг-баранг жанрлардаги асарларда ифодалаш бизнинг граждан лик вазифамиз, бизнинг ижодий бурчимиз», — деган эди композитор. Унинг ана шу қанотли сўзлари бу виставканинг эпиграфи бўлиб қолди.

(ТАСС мухбири).

ЗАРБДОР ВАХТА ДАВОМ ЭТМОҚДА

САНОАТ — 1976 ЙИЛ ҲОСИЛИ МАВСУМИГА

Днепропетровск комбайнсозларига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев йўллаган мактуб бутун мамлакатимиздаги синғари республикамиз машинасозларини ҳам янги зафарларга руҳлантириб юборди. Айниқса Тошкент агрегатчилари қишлоқ меҳнаткашларига кўплаб техника ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш йўлида ғоят жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улар Днепропетровск комбайнсозларига лавлаги ҳосилини йиғиштирадиган машиналар учун планга қўшимча 150 та редукторлар турқуми жўнатишди.

Шу кунларда агрегатчилар қорақалпоғистонлик шоликорлардан «Сибиряк» маркали ғалла комбайнлари учун шестернялар тайёрлаш юзасидан янги буюртма олди. Ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йили ҳосилини нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишга бел боғлаган қишлоқ меҳнаткашларининг яқин кўмакчиси — Тошкент агрегатчилари зарбдор меҳнат вахтани давом эттиришяпти.

Корхона бугунгача қишлоқ хўжалик техникалари учун планга қўшимча 600 га яқин ускуна тайёрлади. Буюртмачиларга пландагидан 66 минг сўмлик кўп турли хил эҳтиёт қисмлар жўнатилди.

Шу кунларда агрегатчилар ҳозирги вақтда область қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Қозоғистон партия-хўжалик активи кенгашида сўзлаган нутқида ўртага қўйган қоидалар ва вазифаларга амал қилиб, ўз куч-ғайратларини кузги дала ишларининг бутун комплексини тез ва юқори сифатли ўтказишга қаратмоқдалар, келгуси йил мўл ҳосили учун замин яратмоқдалар, чорва қишловининг ўнинчи-қоқлик билан ўтказилишини таъминлаш, деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан олинган мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши, колхоз-совхоз ишлаб чиқаришининг самарадорлигини юксалтириш соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш борасида актив иш олиб бормоқдалар.

(ТАСС).

ҒАЛЛАКОРЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Оширилган социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилди, давлатга 5 миллион тонна ғалла сотилди

ОРЕНБУРГ областининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашни астойдил авж олдириб, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида донли экинлардан мўл ҳосил етиштирдилар, ҳосил ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказиб, давлатга ғалла сотиш юзасидан зиммаларига олган оширилган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Область колхоз ва совхозлари ватан омборларига 5 миллион тонна дон топширдилар. Бу эса 1976 йил учун белгиланган умумий харид қилиш миқдоридан 1 миллион 200 минг тонна кўпдир.

Ғалла қабул қилиш пунктларига етказиб берилган 3,5 миллион тонна буғдойнинг бир миллион тоннадан кўпроғи каттик ва кучли навлардир. Гречиха ва тариқ харид қилиш плани ҳам бажарилади. Давлат ресурслари учун 630 минг тонна юқори классли навли уруғлик ғамлаб қўйилди. Первомайский районининг хўжаликлари энг кўп миқдорда — 320 минг тонна, Оренбург райони хўжаликлари 282 минг тонна, Соль-Илецк районининг хўжаликлари 257 минг тонна, Новосергиевский районининг хўжаликлари 244 минг тонна ва Ташлин районининг хўжаликлари 230 минг тонна ғалла сотдилар. Областнинг ҳамма хўжаликлари уруғлик билан тўла таъминландилар.

Бу ғалабага минг-минглаб механизаторлар, колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, тайёрлаш ва транспорт ташкилотлари, «Сельхозтехника» корхоналари ходимларининг фидокорона меҳнати натижасида эришилди, улар меҳнатда зўр маҳорат кўрсатдилар, бу эса бутун ўрим-йиғим конвейерининг аниқ-пухта ишлашини таъминлади.

Ҳозирги вақтда область қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Қозоғистон партия-хўжалик активи кенгашида сўзлаган нутқида ўртага қўйган қоидалар ва вазифаларга амал қилиб, ўз куч-ғайратларини кузги дала ишларининг бутун комплексини тез ва юқори сифатли ўтказишга қаратмоқдалар, келгуси йил мўл ҳосили учун замин яратмоқдалар, чорва қишловининг уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш, деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан олинган мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши, колхозсовхоз ишлаб чиқаришининг самарадорлигини юксалтириш соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш борасида актив иш олиб бормоқдалар.

(ТАСС).

ЕШ МИКРОБИОЛОГ ОЛИМЛАР УЧРАШУВИ

Оддий нон ёрдамида бир қанча касалликларни даволаш мумкин. Бир группа ўзбек микробиолог олимлари шундай хулосага келишди. Улар махсус ачитқи ҳужайраларини ажратиб олишга муваффақ бўлдиларки, бу ҳужайралар нонга шифобахш хуусият бағишлайди. Узбекистон ССР Фанлар академияси микробиология бўлимининг ходими Раҳматулла Холмуҳамедовнинг докладида шу ҳақда фикр юритилди. У Тошкентда ўз ишини тамомлаган ёш микробиолог олимларнинг республика конференциясида ана шу докладни қилди. Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети билан Узбекистон ССР Фанлар академияси бу конференцияни ташкил этган эди.

Конференция иштирокчилари ўз докладларида оқсилни синтез қилиш, микроорганизмларнинг янги турларини ажратиш ҳамда уни қишлоқ хўжалигида ва саноатда қўлланиш проблемаларини, микробиологияни ривожлантириш истиқболларини қараб чиқдилар. Москва, Ленинград, Тошкент ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан келган ёш олимларга муҳокамага энг қизиқарли асарларни тақдим этганликлари учун мукофотлар топширилди.

Ёш микробиолог олимларнинг бундай учрашувларини мунтазам равишда ўтказиб туришга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

ЕРНИ МУСАФФО САҚЛАЙЛИК

ПРОБЛЕМАЛАР ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Инсоният кейинги йилларда дуч келган кўпдан-кўп проблемалар орасида атроф муҳитни сақлаш проблемаси алоҳида аҳамият касб этди.

Ер юзининг кўп ерларидаги интенсив хўжалик фаолияти табиатдаги мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлди. Бу ўринда гап аввало ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, экинзорларнинг, қисқарши тўғрисида бораяпти. Холбуки, ҳаёт негизи мусаффо ҳаво, сув ва экинзорлардир. Инсониятни боқиб турган юқа ва нозик ҳосилдор тупроқ қатламини қандай қилиб сақлаб қолиш масаласи ҳамма мамлакатлар олдида турган анча ўткир масала бўлиб қолди. Чучук сув, фойдали қазилмаларнинг запаслари ҳам мутлақо чексиз эмаслиги аниқланди. Теварак-атрофимиздаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёси камайган тақдирда ҳаёт қувончи ва фароғати бўлиши мумкин эмас.

Социалистик ишлаб чиқариш усулининг афзалликлари, хўжаликни план асосида бошқариш экологик вазиятнинг кескинлашувига йўл қўймаслик имконини беради. Бизнинг мамлакатимизда табиатни одам ҳаёти учун бадавлат, оромбахш қилиш, ҳар томонлама баркамол шахсни вояга етказишга актив кўмаклашадиган муҳитни вужудга келтириш ишини аниқ мақсадни кўзлаб изчиллик билан олиб бориш учун ҳамма имкониятлар бор. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев партия XXV съездидаги докладида бундай деди: «...Ўртоқлар, табиатнинг саҳоватини ошириш, табиатнинг ҳаётий қуввларини тўлароқ намоён этишга ёрдам беришимкин ва лозим. «Яшнаб турган ўлка» деган ҳаммага маълум оддий ибора бор. Одамларнинг билими, тажрибаси, уларнинг табиатга ихлоси, меҳр-муҳаббати чиниқкан мўъжизалар яратаётган ерларни шундай деб атайдилар. Бу — бизнинг социалистик йўлимиздир».

«1976-1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»да табиатни муҳофаза қилиш, унинг ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва шу ресурсларини қайта ҳосил қилиш масалалари давлатимиз ривожининг энг муҳим вазифаларидан бири қилиб қўйилган. Ўнинчи беш йилликнинг ўзида шу мақсадларга 11 миллиард сўм ажратилади. Бизнинг мамлакатимизда жамиятнинг атроф муҳитни сақлаш ва яхшилаш соҳасидаги куч-ғайратлари аввало ишлаб чиқарувчи ишларни рационал жойлаштиришда, табиат бойликларидан комплекс фойдаланишда, ишлаб чиқаришнинг экинзорлар, ҳаво ва сув ҳавзаларининг ифлосланишига йўл қўймайдиган ёки уни анча қисқартирадиган янги технология жараёнларини жорий этишда намоён бўлмоқда.

Масалан, қишлоқ хўжалигини олайлик. 1961 йилдан 1975 йилгача давлат капитал маблағлар ҳисобигагина 6.600 минг гектардан ортиқ ер суғорилди. Шу ерлар орасида чўллар ҳам бор. Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг илгариги унумсиз массивларида бепоён пахтазорлар ва шолипоялар, боғлар ва токзорлар вужудга келтирилди. Ўзбекистондаги Мирзачўлнинг қиёфаси ўзгартирилди. Қарши ва Жиззах даштларини ўзлаштириш соҳасида жуда катта ишлар қилинмоқда. Бу ерларда партия билан халқнинг ҳоҳиш-иродаси туфайли гуллаб-яшнаб ўтган саҳоватли ўлка барпо этилмоқда. Белоруссия, Литва, Латвия ва Эстониянинг ўтиб бўлмайдиган ботқоқликлари, ноқоратупроқ ўлканинг бир қанча районларида янги ҳаёт бошланди ва бошланмоқда. Шу ерларда ғалла бошоқлари пишиб етилмоқда. кўм-кўк ўтлар ўсмоқда, беҳисоб подалар боқилмоқда. Кейинги ўн беш йил мобайнида давлат капитал маблағи ҳисобига салкам 11 миллион гектар ернинг захи қочирилди.

Дашт ва ботқоқ ерларга жон киритилганлиги, улар ҳосилдор дала ва боғларга айлантирилганлиги — партия билан ҳукуматнинг атроф муҳит бойликларини сақлаш ва кўпайтириш тўғрисида қилаётган тинимсиз ғамхўрлигининг далилидир. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг бу йил қабул қилинган қарорлари ҳам сўзимизнинг исботи бўла олади. Шу қарорлардан бирида Қора денгиз ва Азов денгизи ҳавзаларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, сув ҳавзаларидаги балиқ бойликларини кўпайтириш юзасидан катта тадбирлар белгиланган. Бошқа бир қарорда фойдали қазилмалар ва торф конларида ишлаш, бошқа ишларни бажариш натижасида унумсиз бўлиб қолган ерларнинг ҳосилдорлигини қайта тиклаш, тупроқнинг унумдор қатламини сақлаб қолиш ва ундан рационал фойдаланиш ишларини кенгайтириш тўғрисидаги ғамхўрлик ўз ифодасини топган. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳосилдорлиги қайта тикланиши лозим бўлган 1,5 миллион гектардан ортиқ ер бор.

Ерларнинг ҳосилдорлигини қайта тиклаш соҳасида кўрилаётган тадбирлар шунинг учун ҳам муҳимки, аҳоли жон бошига тўғри келадиган экинзорларнинг қисқариб бораётганлиги жуда ташвишлантирмоқда. 1960 йилда мамлакатда яшовчи ҳар бир киши ҳисобига бир гектардан ортиқроқ экинзор тўғри келган бўлса, 1975 йилда атиги 0,88 гектар экинзор тўғри келди. Тўғри кейинги вақтларда бу соҳада аҳвол яхшилана бошлади. Аммо бу яхшиланиш кўнгилдагидек тез бораётгани йўқ. Бундан ташқари бу натижаларга жуда катта капитал маблағ эвазига эришилмоқда. Бошқа бир нарсани ҳам ҳисобга олиш муҳимдир: Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун ўзлаштирса бўладиган массивлар унчалик кўп эмас. Ерларнинг миқдори чеклангандир, шу сабабли ерни ҳар томонлама тежаш керак.

Ватанимизда фойдали қазилмалар жуда кўп. Мамлакатда моддий ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларини ривожлантириш учун зарур бўлган хом ашё ресурслари бор. Аммо бу ресурслар, биз кўпинча айтганимиздек «битмас-туганмас» эмас, бинобарин, жадал фан-техника тараққиёти асрида шу ресурслар нисбатан тез камайиб бормоқда. Демак, бу ресурсларни эҳтиёт қилиб, тежаб-тергаб сарфлаш зарур.

Мутахассисларнинг ҳисоб китобларига қараганда бутун ер остидан тахминан 8 миллиард тонна жинс қазиб олинди, шундан бор-йўғи икки процентга яқини пировард фойдали маҳсулот сифатида фойдаланилди. Қолган қисми эса яроқсиз қазилмалар ташланадиган жойларга ағдарилиб фойдали майдонни банд қилиб ва атроф муҳитни ифлос қилиб ётибди. Саноат корхоналарини лойиҳалаш вақтида хом ашёдан комплекс фойдаланиш масалаларига баъзан дуруст аҳамият берилмаслик каби ҳолларга ортиқ тоқат қилиб бўлмайди. Шу бугунги манфаатнигина кўзлаб иш қилиш — исрофгарчилик йўлидан бориш, бизданкейин яшайдиган кишилар тўғрисида ўйламаслик демакдир.

Сув ресурслари тўғрисида ҳам гапириш керак. Мамлакатимиз территориясидаги сув ресурслари жуда нотекис жойлашган. Аҳолининг салкам 75 процента яшайдиган Европа қисмининг улушига дарё оқимининг атиги 22 проценти тўғри келади. Бунинг устига у ердаги дарёларнинг бир қисми ифлосланиб кетган. 1976 йилда оқизиладиган ювинди сув ҳажми ўтган йилга нисбатан 0,8 куб километр миқдорида камаяди. Бу — катта рақам бўлса ҳам, аммо лозим бўлганидан ҳозирча камроқдир. Ҳамма ишни сув ҳавзалари мусаффо бўлиши учун кўп йиллар давомида катта куч-ғайрат сарфлаш керак бўлади.

Айрим регионларда ҳаво ҳавзасини тозалаш суръатлари сустлиги ташвиш туғдирмоқда. Ҳозир саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши ҳисобига олинган, зарарли моддаларни атмосферага, сув ҳавзасига ва тупроққа чиқариш манбаалари устидан контролликни ташкил этишга боғлиқ. Бундай контролни ташкил этиш мамлакатнинг конкрет географик жойларида йўл қўйилиши мумкин бўлган ташландиқнинг илмий асосланган стандартлари, нормаларини вужудга келтиришни тақозо этади. Шу муносабат билан яқин бир ярим-икки йил мобайнида ҳамма министрликлар ва идоралар СССР Давлат стандартлар комитетининг методик раҳбарлигида шундай нормаларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиб, уларни белгиланган тартибда тасдиқласалар мақсадга мувофиқ бўлур эди. Саноат корхоналарининг йўл қўйиш мумкин бўлган ташландиқ нормаларига риоя қилиши устидан контролликни СССР Министрлар Совети ҳузуридаги гидрометеорология ҳизмати Бош бошқармасига, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига ҳамда СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига топшириш зарур.

Бизнинг назаримизда атроф муҳитни ифлослантириш натижасида вужудга келадиган иқтисодий зарарни, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига сарфланган капитал маблағларнинг самарадорлигини аниқлашнинг ягона техникасини ишлаб чиқишга зарур эҳтиёж бор. Агар шундай қилинмаса, корхоналарнинг кўпгина раҳбарлари табиатни муҳофаза қилиш чиқимларини норентабел деб ҳисоблайверадилар.

Давлатимиз жуда кенг миқёсда капитал қурилиш ишларини олиб бормоқда. Кенг майдонларда йирик аграр ва саноат комплекслари тузилмоқда, Шимолдаги ва Сибирдаги дарёлар сувини Жанубий районга оқизиш ва бошқа кўпгина ишлар мўлжалланмоқда. Бу тадбирлар мамлакатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлайди, совет кишиларининг моддий фаровонлигини ва маданий даражасини оширишга ёрдам беради. Шу билан бирга бундай лойиҳаларни амалга ошириш вақтида эҳтимол тутилган салбий экологик оқибатларнинг олдини олиш чоралари ҳамиша ҳам назарда тутилмоқда, деб бўлмайди. Бундай лойиҳаларни экспертлар томонидан ҳар томонлама текшириш сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилиш босқичлигини тажриба кўрсатиб турибди.

Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ривожлана борган сайин, аҳолининг қишлоқ жойларидан йирик шаҳарларга келиши кучайган сайин, аҳоли кўпайган сайин чорва ва паррандаларни, дарёлар, қўллар, денгизларнинг биологик ресурсларини, ёввойи ўсимликлар ва ўрмон ресурсларини муҳофаза қилишдек жиддий проблемалар вужудга келаверади. Бу проблемаларнинг ҳал этилишини кечиктириш ярамайди. СССР Фанлар академияси, иттифоқдош республикаларнинг Фанлар академиялари халқ хўжалиги тармоқларининг илмий-тадқиқот институтлари билан биргаликда табиатдан фойдаланиш экономикаси соҳасидаги тадқиқотларни кучайтиришлари лозим.

Хўжаликни планли бошқариш, аҳолининг мамлакат табиий бойликларини муҳофаза қилишда актив иштирок этиши, жамики табиий ресурсларни эҳтиёт қилиб, тежаб-тергаб сарфлаш — еримизни совет кишиларининг ҳозирги ва келажак авлодлари учун мусаффо сақлашимиз ва яшнатишимизнинг гаровидир.

П. ПОЛЕТАЕВ.
СССР Госплани табиатни муҳофаза қилиш бўлимининг бошлиғи.

(«Правда» газетасининг 24 сентябрь сонидан).

ПАХТАЗОР—ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

СУРЪАТ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Шуманай район партия комитети терим суръатини оширишга қаратилган конкрет тадбирлар белгилади. Жумладан, коммунистларнинг ҳамласи пахта теримига сафарбар этилди, уларнинг авангардлик роли таъминланяпти. Касаба союз, комсомол аъзолари, маҳаллий Советларнинг депутатлари ҳам илғорликни таъминламоқдалар. Пешқадам механик-ҳайдовчилар, теримчиларнинг иш тажрибаси ҳамманинг мулкига айлантирилмоқда. Социалистик мусобақа қудратли қучга айлантирилди. Натижада кунлик суръат тобора кўтарилмоқда. Район пахтакорлари йиллик планни 30-35 иш кунида бажариш учун курашмоқдалар. Ана шу тажрибалар ҳақида район партия комитетининг биринчи секретари А. Шарипов қуйидагиларни мухбиримизга билдирди.

— Районимиз бўйича бу йил 35 минг тонна пахта тайёрлашимиз керак. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Қозоғистон партия-хўжалик активининг кенгашидаги тарихий нутқидан илҳомланган пахтакорларимиз ўз мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, 38 минг тонна пахта топшириш ҳақида оширилган мажбурият қабул қилдилар. Далаларимиздаги ҳосил чўғи қўшимча мажбуриятимизни ҳам шараф билан бажариш имконини беради.

Районимиздаги Гагарин номли, «Шуманай», Киров номли, «Правда», А. Мусаев номли совхозларимизнинг пахтакорлари «оқ олтин»дан, айниқса, юқори ҳосил етиштирдилар, агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилиши туфайли кўсаклар бултургидан 7-10 кун олдин очилди. Дефолиация ҳам кўзда тутилган вақтда ўтказилди, машина терими оммавий равишда бошлаб юборилди.

Бу йил хўжаликларимизда биринчи марта 60 центнерчилик ҳаракати пайдо бўлди. Т. Сариев, Н. Беқзўжаев, Ж. Жумаев, К. Бураев, С. Тлеумуротов, Г. Бутырев, К. Жуманов ва бошқа ўнлаб миришкор деҳқонлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг аъзолари съездлар йилида гектаридан 55-60 центнердан пахта хирмони кўтаришга сўз бердилар, уларнинг сўзи билан иши бир бўлмоқда. Бу бригадаларда ҳозирдаёқ гектаридан 25-30 центнердан хирмон кўтарилди, пахтанинг ҳамласи юқори сортларга қабул қилиняпти. Лекин катта майдонларнинг пахтасига ҳали қўл урилган эмас. Пахтаси териб олинган пайкаллардаги ғўзаларнинг кўсаклари эса пешма-пеш очиляпти. Бу бригадаларда ҳар бир теримчининг кунлик иш унуми 150-170 килограммни, ҳар бир машинанинг меҳнат унумдорлиги 8-10 тоннани ташкил этаётгани юқори ҳосил етиштирилганинг кўрсатувчи далилдир.

Барча совхозларимиз пахта тайёрлаш давлат планлари, социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажарадилар, бунга шубҳа йўқ. Лекин масаланинг айрим нозик томонлари бор, бу йилги йиғим-терим даврида ана шунга алоҳида эътибор беришимиз керак. Мен бунда биринчи галда ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажара олмаган бўлимлар ва бригадаларни назарда тутяман. Ўтган йили районимиз бўйича тўрт бўлим, 31 бригада давлатдан пахта қарздор бўлиб қолди. Бу йил уларга илғорлар сафига етиб олишлари учун катта моддий-техника ёрдами бердик, пахтакорлар ҳам доғни ювиш учун жонбозлик кўрсатиб ишладилар. Муҳим вазифа — бу йилги план ва мажбуриятларни бажариш билан чекланиб қолмасдан, ўтган йилнинг боқиманда пахтасини ҳам тўлашдан иборат. Шунга етарли пахта бор. Гап меҳнатни тўғри ташкил қилишдан иборат.

Районимиз бўйича ялпи ҳосилнинг камида 80 процентини машиналарда теришга қарор қилганмиз, ҳар бир хўжаликда шу асосда конкрет тадбирлар белгиланган, шахсий мажбуриятлар қабул қилинган. Бугун меҳнат аҳлига ошкора шундай демоқдамиз:

«Сўз берган эдингиз, устидан чиқинг, мажбурият олган эдингиз, бажаринг!» Бунга эришмоқнинг ягона йўли ҳамма теримда қатнашсин, машиналар тўла қувват билан ишлатилсин, бир кунда камида бир ярим-икки кунлик график миқдорида пахта тайёрланишини таъминлаш керак.

Терим тақдирини механик-ҳайдовчилар, тележкачилар, шофёрлар ҳал қилади. Лекин теримчилар ролини камситишга ҳаққимиз йўқ. Бой тажрибага эга бўлган Е. Сориев, А. Демедсинов, Б. Заримбетова, И. Камолова, А. Қистоубоев, Г. Бекберганова каби ўнлаб механизаторларимиз ғўза парваришн вақтида намуна кўрсатиб ишлашди, пахта теримида ҳам байроқдорлик қилишяпти.

Бизнинг районимиз теримда юксак кўрсаткичга эришга олганн йўқ, Автоном республика районларининг ўртасида боряпмиз. Ҳар йили районимиз шимолий зонага жойлашгани рўкач қилинарди. Бу йил баҳонага ўрин йўқ. Теримда орқада қолаётганимизни ташкилий ишлар кўнгилдагидек йўлга қўйилмаганининг оқибати деб биламиз. Куни кеча хўжаликларнинг бошлиқлари, партия ташкилотларининг секретарлари билан батафсил маслаҳатлашиб олдик.

Бугунинг бош вазифаси терим машиналарини тўла ишга туширишдан иборат. Машиналаримиз шай, механизаторларимиз марраларини белгилаб олишган. Пахтазорларда «зангори кема»лар туркуми шаҳдам суза бошлади. Ҳар бир машинанинг кунлик иш унуми 5-6 тоннани ташкил этяпти. Бунга қаноатлана олмаймиз. Бутун чораларни кўриб, кунлик суръатни 8-10 тоннага, бир ҳафтадан кейин эса 12-15 тоннага кўтарамиз.

Пахта пешма-пеш тайёрлов ташкилотлари ихтиёрига жўнатиляпти, хирмон жойларда уюлиб қолишига йўл қўйилмаяпти. Сифатни бош масала қилиб қўйдик. Теримчилар ва механик-ҳайдовчиларнинг иши устидан агрономлар, сифат комиссияларининг аъзолари назорат олиб боряпти. Илғорларга кўчма Қизил байроқлар, вимпеллар, пул мукофотлари беришда иш сифати алоҳида эътиборга олиняпти.

Кунлик терим графигини тўла ва ошириб бажариш — қонун! Бунинг учун теримни эрта бошлаш, иш суръатини ошириш керак. Бирор киши теримдан четда турмаслиги лозим. Чунки республикамизда ҳамма пахтакор! Вазиятни ҳисобга олиб, районимиз бўйича теримчиларни 1500 кишига кўпайтирдик, терим машиналарини икки сменада ишлашга кўчирдик. Теримчиларга кўсакнинг очилишига қараб кунлик нормани ошириб боряпмиз.

Район партия ташкилоти пахтакорлар орасида социалистик мусобақани кучайтиряпти. Савдо, медицина, маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, маданий-оқартув муассасалари пахтакорлар хизматида. Таъминот тобора яхшиляяпти, болалар боғча ва яслилари ишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳозир зарбдор терим палласи. Ҳамманинг ўрни пахтазорда бўлмоғи шарт. Районимиз меҳнаткашлари буни яхши тушунадилар, ишдаги камчиликларга барҳам бериб, терим суръатини кучайтирадилар.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

НАРПАЙ (**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан**). Ислом шоир номли совхоз пахтакорлари бу йил пахтадан юқори ҳосил етиштирдилар ва теримни уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Илғор бригадалар ҳозирдаёқ йиллик пахта ғайёрлаш планларини бажариб, мажбурият ҳисобига «оқ олтин»ни топширмоқдалар.

Бобоёр Тожиев бошлиқ бригада аъзолари 105 гектар майдоннинг ҳар гектаридан деярли 30 центнердан ҳосил олиб, йиллик маррага етди. Гектаридан яна 17 центнердан хирмон кўтариш ҳақида оширилган мажбурият кабул қилинди. Бригаданинг моҳир механизатори Тоштемир Режабов машинада 75 тонна пахта териб, ғалабага муносиб ҳисса қўшди.

Ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказиш учун курашаётган Азиз Носиров бошлиқ бригада ҳам гектардан 30 центнерга яқин ҳосил олиб, ғалаба рапортига имзо чекди. Усмон Мамадиёров, Холмамат Жалилов каби механик-ҳайдовчилар 70-90 тоннадан пахта терди. Машиналарнинг кунлик иш унуми 10-12 тоннани ташкил этмоқда.

Районда яқин кунларда яна ўнга яқин бригада йиллик пахта тайёрлаш плани бажарилгани ҳақида рапорт беради.

ИЛҒОР ХЎЖАЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ

Жиззах районидаги Ленин номли колхоз давлатга 1332 тонна уруғлик пахта топшириб, бу борадаги планни шараф билан бажарди. Хазрат Абдужалилов, Ашурмат Хазратқулов, Нишоной Жумаева бошлиқ бригадалар 130-140 тоннадан уруғлик пахта топшириб, план тўлишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Ш. ЗОКИРОВ.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ. Қува районидаги Энгельс номли колхоз марди-майдон пахтакорлари мўл ҳосил етиштирдилар. Колхоз аъзолари етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай теріб олиш учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Ҳамма пахта теримига отланган. Айниқса, кўпминг килограммчи чевар теримчиларнинг иши кўпайган. Улар ўзаро мусобақалашиб ишлаб, кунига 200-250 килограммдан пахта теришяпти. Суратда: чевар теримчилардан Доно Бекмирзаева ва Сорахон Аъзамовалар. Улар мавсумда 12 тоннадан «оқ олтин» териб беришмоқчи.

Қ. Усаров ва Х. Абдуназаров фотоси.

ШОЛИ—ДАВЛАТГА

Республика областлари ва Қорақалпоғистон АССРда шоли ўрими ва шоли тайёрлашнинг борыши тўғрисида 1976 йил 25 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган шоли; учинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган шоли (топшириққа нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун—бир кунда ўрилган шоли бешинчи устун — мавсум бошидан буён (ўриладиган майдонга нисбатан процент ҳисобида).

Хоразм	434	3,5	4120	33,3
Сирдарё	86	2,1	1000	24,6
Сурхондарё	98	2,2	822	18,2
ҚҚ АССР	407	1,0	5293	12,7
Тошкент	249	2,5	1619	16,4
Наманган	11	0,5	74	3,5
Андижон	—	—	—	—
Фарғона	—	—	—	—
Республика бўйича:	1285	1,7	12928	17,0

БУХОРОЛИК ПОЛИЗКОРЛАР ЗАФАРИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Қозоғистон партия-хўжалик активи кенгашида сўзлаган нутқидан илҳомланган область полизкорлари катта зафар қучдилар. Улар давлатга 23 минг ўрнига қарийб 24 минг тонна полиз маҳсулотлари сотиб, йиллик планни муддатидан илгари ошириб бажардилар. Область полизкорларининг бу катта ғалабасига Ромитан, Бухоро, Қоракўл, Ғиждувон районларининг деҳқонлари муносиб ҳисса қўшишди. Олот районидаги Ленин номли, Бухоро районидаги «Ленин йўли», Вобкент районидаги «Зарафшон», «Ильич 100 йиллиги», Қоракўл районидаги «Москва», «Октябрь», Ғиждувон районидаги «Гулистон», Свердлов районидаги Киров номли колхозлар ва Ромитан районидаги «Ромитан» совхозида полиз экинларидан айниқса мўл ҳосил кўтарилди.

Ҳ. ҚОДИРОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

БИР ҲОВУЧ МАРВАРИД

ЛАВҲА

Чархин пахта тайёрлаш пунктида тер тўкиб меҳнат қиладиган пайт келди. Куни кеча дастлабки қизил карвонларга йўл очилганига қарамай «оқ олтин» уюмлари хирмонга айлана бошлади. Қўли-қўлига тегмай меҳнат қилаётган ишчилар бу йил ҳар қачонгидан кўп ва баландроқ хирмон уюлишини ҳосил чўғидан сезиб туришарди. Бу ҳис бир қисм пахтани марвариддек авайлаб ён-атрофдагиларга кўз-кўз қилаётган Тўхта ака қалбида ҳам уйғонган эди. Чорак асрдан бери у маҳа шу ҳис-туйғу билан олтин кузни қаршиларди. Маҳа шу ҳис, эртаги зафарга бўлган ишонч унга куч-қувват бағишлаб, келади, ораҳмни ўпирлайди, янги, катта ишларга отланишга руҳлантиради. Унинг касби бош бухгалтерлик бўлса ҳам, лекин Ўзбекистонда ҳамма пахтакорлигини у яхши билади. Ахир, иқтиҳоримиз, номусоримиз бўлган «оқ олтин»чи йиғиб-терадиган масъулиятли интиҳоси пайтида ким ҳам ўзини четга тортади, дейсиз

У шу ерда иш бошлаган куни ҳам пахта хирмони энди уюла бошлаган пайт эди. Ўша пайтда бундай тезкорлик, техника кучи сезилмасди. Пункт атрофи тақир ер эди. Коммунистларнинг ташкилотчилиги, етакчилигидан пахта пункти территорияси кенгайди. Замонавий машина ва механизмлар кўпайтирилди. «Дала — бункер — прицеп — пункт» конвейери вужудга келгач, 1960 йили пахта пункти 5.300 тонна, 1975 йили эса 12 минг 36 тонна дурни қабул қилиб олди. Бир воқеа унинг эсидан чиқмайди. Ингим-терим айни қизиган пайтда трестга борди. Пункт атрофини боғ қилиш нияти борлигини айтди. Трестдагиларнинг айримлари ажабланишди:

— Шундай паллада-я, ҳозир пахтадан бошқа муҳимроқ иш бўлиши мумкин эмас.

— Мен боғдорчилик ишига фақат бўш пайтларимда киришмоқчи эдим.

— Ундан кўра ҳисоб-китоб ишлари ҳақида кўпроқ ўйласангиз фойдалироқ бўларди.

— Пунктда «ҳисоб-китоб ишлари кўнгилдагидек» бўш пайтларимда бошқа пунктлардаги ҳисоб-китоб ишларига ҳам қўлимдан келганча ёрдам бераман. Бундан сизларнинг хабарларингиз бўлиши керак.

— Ҳа, бор. Пунктда сизнинг ташаббусингиз билан қуритиш-тозалаш цехининг ташкилқилинганини ҳам яхши биламиз. Лекин, ҳозирги вазиятда боғ яратишга қўл уришлик асосий ишимиздан чалғитмасмикан.

— Чалғитишига йўл қўймаймиз, фақат шу ишга рухсат берсанглар бўлди, — ўз сўзида қаттиқ туриб олганди у ўшанда...

Коммунист сўз бердими, унинг устидан албатта чиқади. У ҳамиша олдинда бўлиши, энг қийин жойда ўзини кўрсатиши керак. Тўхта ака Раззоқов доимо мана шунга амал қилади. Уч гектар ерда боғ, гулзор ташкил қилаётганда ҳам шуларни ўйлади. Пунктга пахта топширишга келадиган ишиларнинг гулзор ва боғдан баҳри-дили очилишини кўз олдига келтириб, бир ғайратга ўн ғайрат қўшилди.

— Бош бухгалтеримиз ҳисобчи эмасми, ҳар қандай ишнинг ҳам ҳисоб-китобли бўлишини яхши кўради, — дейди пункт мудири Н. Мирзаев. — Пунктга дурдонамизни келтиришдан тортиб, уни кўз қорачиғидек сақлашгача бўлган ишларда Тўхта аканинг муносиб ҳиссаси бор. Тиниб-тинчимас, коллектив жонкуяри бўлган бухгалтеримиз йиллик ҳисобот ишларини ҳар доим муддатидан илгари, пухта бажаради Цех партия ташкилоти секретари сифатида ҳамма ишларимизга бош-қош. Тош-тарозилар, транспортёр ва пахта узатгичлар пахта теримидан анча аввал тахт қилиб қўйилган эди. Ҳозир пахта бунтлари соат сайин кўкка бўй чўзмоқда. Бу йил коллективимиз ҳар қачонгидан кўп — 13 минг 500 тонна «оқ олтин»ни қабул қилиб, сифатли сақлаши керак.

..Тўхта ака бир қисм пахтани тўтиёдек кўзига суртди. Бу унинг халқимизнинг ризқи-рўзига, фаровонлиги нишонаси бўлган пахтага меҳр-муҳаббатини кўрсатарди. Ҳа, ҳаммавақт ҳисоблаш иши мана шу бир қисм пахтадан бошланади. Шу бир қисм пахтада унинг ва оиласининг, коллективининг ойдин келажаги хирманда гўё эмас — халқ, Ватан бойлигини оширувчи бир қисм марварид жилва қиларди. Тўхта ака Раззоқов ҳовучидагини авайлаб хирмонга ғўкар экан: «Ҳадемай, бу ерда марварид тоғи пайдо бўлади», — деб қўйди.

Л. ЭРГАШЕВ, А. МАННОПОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбирлари.
Нарпай райони.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

БМТНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

Шу ҳафта Нью-Йоркда очилган БМТ Бош ассамблеясининг XXXI сессияси жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортди. Бунинг бош сабаби шуки, мазкур сессия халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш, мустаҳкам ва одилона тинчликни таъминлаш ишига таллуқли бўлган актуал масалаларни кўриб чиқиши лозим. Қуролланиш пойгасини жиловлаш, қуролсизланишга ўтиш ҳозирги халқаро муносабатларнинг энг муҳим проблемасидир. «Ҳозирги кунда бу вазифа ҳар қачондагидан ҳам кескинроқ бўлиб турибди. Тоғ-тош ҳам ўйлиб ташланган қурол-яроғ устида ҳаёт кечириш инсониятнинг жонига тегди, лекин империализмнинг агрессив доиралари авж олдираётган қуролланиш пойгаси эса кучайиб бормоқда», — деб таъкидлади Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида килган докладида.

Сессиянинг иши уч ой давом этади. Айни қуролсизланиш проблемалари сессиянинг диққат марказида бўлиши равшан кўриниб турибди. Сессиянинг дастлабки кун тартибидаги 120 масаладан 20 тачаси қуролсизланиш проблемалари комлексига оиддир. Уларнинг энг муҳимлари совет ташаббуслари билан боғланган. Бу ташаббуслар қуролсизланишга бағишланган жаҳон конференциясини чақириш, оммавий қирғин қуролининг янги туларини ишлаб чиқишни ва ишлаб чиқаришни тақиқлаш, ядро қуроли синовларини тўла ва ялписига тақиқлаш, ҳарбий бюджетларни қисқартириш каби кечиктириб бўлмайдиган бошқа масалаларни ўз ичига олади. Давлатлар ўртасидаги муносабатларда зўравонлик қилишни қонундан ташқари қилиб қўйдиган вазият вужудга келтирилиши зарур. Шу мақсадда Совет Иттифоқи халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик тўғрисида жаҳон шартномасини тузишни таклиф қилмоқда.

Совет Иттифоқининг ана шу ва бошқа конкрет таклифлари тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буён олиб бориладиган курашнинг КПСС XXV съезди белгилаб берган программасини амалга ошириш учун сабот билан кураш олиб борилаётганлигини ифодалайди.

Сессия ишида Африка жанубидаги қалтис вазият, Яқин Шарқдаги хатарли кескинлик манбанни тугатиш, Кипр масаласини бартараф этиш сингари проблемалар муҳим ўрин олади. Халқаро савдо-иқтисодий муносабатларнинг бутун системасини демократик ва одилона асосда тубдан қайта қуриш учун кураш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳам эътиборни ўзига тортади.

Ана шу ва бошқа масалалар теварагида кучли кураш бўлади, чунки реакцион кучларнинг кескинликни юмшатиш жараёнига қарши ҳаракат қилаётганлиги Бош Ассамблея сессиясининг ишига ҳам таъсир ўтказади, албатта. Эндиликда 145 давлатни ўз ичига олган БМТнинг юксак бурчи — халқаро майдонда эришилган ижобий силжишларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришга, кескинликни юмшатишни муқаррар тус олдиришга кўмаклашишдан иборат.

МАЛЬТА ЛЕЙБОРИСТЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

Ўрта денгизнинг қоқ марказидаги кичкина оролда жойлашган давлат — Мальтада яқинда бўлиб ўтган сайлов лейбористлар партиясининг ғалабаси билан тугади. У оппозициядаги миллатчи партия билан олиб борилган қийин кураш натижасида парламентдаги кўпчилик ўринни олди ва энди яна ҳукумат тузиш имкониятига эга бўлди. Бу ҳукуматга партиянинг раҳбари Д. Минтофф бошчилик қилади.

Мальтадаги сайлов натижалари Ўрта денгизда муҳим стратегик мавқеини эгаллаб турган шу давлатнинг ўзи учунгина катта аҳамиятга эга бўлиб қолмай, бутун шу региондаги вазиятга муайян таъсир ўтказади. Гап шундаки, ташқи сиёсат ва мудофаа масалалари Мальтадаги сайлов олди курашининг марказида бўлди. Қўшилмаслик ва бетарафлик сиёсатини қаттиқ туриб ҳимоя қилган лейбористлар ҳукумати мамлакатни шимолий Атлантик блоки орбитасидан батамом чиқариш лозимлигини айтди. У Англия билан Мальта ўртасидаги тегишли битимнинг амал қилиш муддати тугайдиган 1979 йилдан кейин Мальтадаги инглиз ҳарбий базаларини батамом тугатишга қарор қилди. Миллатчи партия эса Ғарб билан яқинлашиш сиёсатини эълон қилиб, оролдаги ҳарбий объектларни НАТО ихтиёрига топширишга ваъда берди.

Мальтадаги лейбористлар ғалабасининг биринчи боиси шуки, ана шу кичиккина мамлакатнинг халқи ўз мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга бел боғлаган. Бу ғалаба сўл кучлар муваффақияти занжирида яна бир халқа бўлди. Жанубий Европа мамлакатларида кейинги икки йил мобайнида сўл кучлар ана шундай кетма-кет ғалаба қозонаётганлигини кўриб турибмиз. Грециядаги ҳарбий диктатура инқирозга келганлигини, Португалиядаги фашистлар режими ағдариб ташланганлиги, Италия Компартияси ва сўл кучлари муваффақиятларга эришганлигини, испан халқи франкочилар сарқитини батамом тугатиш учун мардона кураш олиб бораётганлигини эслатиб ўтиш кифоя қилади.

Мальтадаги сайлов натижалари НАТО ҳарбий блоки раҳбарларининг режаларига қаттиқ зарба уради. Бу блок раҳбарлари Ўрта денгизни ўзларига қаратилган «ички кўл»га айлантириб олишни кўпданоқ орзу қилиб юрар эдилар. Ҳозир улар юқорида эслатиб ўтилган воқеалар натижасида путурдан кетиб қолган шимолий Атлантика блокининг жанубий қанотини мустаҳкамлаш учун зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар. Қўшма Штатларнинг бу йил Испания ва Туркия территориясидаги ҳарбий базалардан фойдаланиш тартиби тўғрисида шу мамлакатлар билан тузган битимлари ана шу хатарли мақсадларга хизмат қилади. Грецияни НАТОнинг ҳарбий ташкилотига қайтариш, шунингдек Кипр проблемасини шу блок мақсадларига мослаб ҳал этиш йўлидаги уринишлар ҳам бас қилинмаётир.

Аммо НАТОнинг режалари Ўрта денгиз соҳилларида яшовчи халқларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келаётганлигини, жумладан, Мальтадаги сайлов кўрсатди. Бу халқлар Ўрта денгизнинг можаролар майдонидан тинчлик денгизига айлантирилишини талаб қилмоқдалар. Европа коммунистик ва ишчи партиялари Берлин конференциясининг якунловчи ҳужжатида ҳам шу фикр таъкидлаб ўтилган.

И. ЛАПИЦКИЙ, Е. ЕГОРОВ. (ТАСС).

БОЛИВИЯДА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

ЛА-ПАС. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И Брежневнинг КПСС XXV съездида қилган докладининг тўла тексти Боливия ташқи ишлар министрлиги нашр этаётган «Дипломатика» журналининг сентябрь ойи сонида эълон қилинди.

НЬЮ-ЙОРКДА УЧРАШУВ

НЬЮ-ЙОРК. 24 сентябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико бу ерда Эрон ташқи ишлар министри А. А. Хатлабарини қабул қилди. Суҳбат чоғида Совет — Эрон муносабатларининг баъзи масалалари, шунингдек БМТ Бош ассамблеясининг ҳозирги сессияси ишига оид проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди.

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМГА САДОҚАТ БЕЛГИСИ ОСТИДА

КОПЕНГАГЕН. (ТАСС махсус мухбири). Бу ерда Дания Коммунистик партиясининг XXV съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

24 сентябрдаги мажлисда ДКП ревизия комиссияси ва контрол комиссиясининг ҳисоботлари тингланди.

КПСС делегациясининг бошлиги, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко съезд минбарида пайдо бўлганида делегатлар уни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

У ўз нутқида ДКП XXV съездининг делегатларига ва Данияннинг барча коммунистларига Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан, унинг ленинчи Марказий Комитетидан, бутун совет халқидан оташин қардошлик саломини топширди.

Менга, деди К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг шахсий топшириғини бажариш — сизларга самимий, дўстона табрикларини ва съездингизнинг самаралы ишлашини тилаб билдирган истакларини топшириш айниқса ёқимлидир.

КПСС делегациясининг бошлиги совет коммунистларининг ва Совет Иттифоқи меҳнаткашларининг ишлари тўғрисида съезд делегатларига гапириб берди. Совет коммунистлари ва Совет Иттифоқи меҳнаткашлари КПСС XXV съезди ўртага қўйган вазифаларни зўр ижодий ғайрат ва изчиллик билан қадамма-қадам ҳал қилмоқдалар. КПСС XXV съезди совет жамиятини коммунизм йўлидан ривожлантиришда янги тарихий марра бўлди.

К. У. Черненко КПСС XXV съезди тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун олиб бориладиган бундан буёнги кураш программасини маъқуллаганлигини эслатиб, КПСС, унинг Марказий Комитети ана шу программа изчиллик билан амалга оширилиши учун қўлдан келган ҳамма ишни қилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

КПСС, деб давом этди у, Европа коммунистик ва ишчи партияларининг Берлин конференцияси якунларига юксак баҳо бериб, конференция илгари сурган мақсадларга эришиш учун барча чораларни кўришни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди.

Совет Иттифоқи коммунистлари КПСС билан Дания Компартияси ўртасида ривожланаётган қардошлик алоқалари ва ҳамкорликни гоят қадрлайдилар. Леонид Ильич Брежневнинг Берлинда Кнуд Есперсен билан учрашуви марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига асосланаётган замонамизнинг барча асосий масалалари юзасидан партияларимиз якдил фикрда эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

К. У. Черненко пировардида бундай деди: биз КПСС билан Дания Компартияси ўртасидаги анъанавий дўстлик муштарак ишимиз манфаатларини кўзлаб, тинчлик ва социализм йўлида бундан буён ҳам ривожланаверади, деб қатъий ишонч билдирамиз.

Ўртоқ К. У. Черненко делегатлар ва меҳмонларнинг гулдурос қарсаклари остида съездга КПСС Марказий Комитетининг табрикномасини, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг съездга туҳфаси — В. И. Ленин портретини топширди.

ДКП раиси К. Есперсен КПСС Марказий Комитети туҳфасини қабул қилиб, бундай деди: Совет Иттифоқи ва ленинчи КПСС фаолиятимиз ва курашимиз учун ҳамиша машъал бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. КПСС билан ДКП ўртасида маҳкам қардошлик алоқалари ўрнатилган. Биз ўзимиз учун чинакам дўстларни танлай билишимизни ушбу съезд яна бир марта тасдиқлади. Дўстлигимизни ҳеч ким ва ҳеч қачон буза олмайди.



Сурхондарё областидаги «Роҳат» бадиий ҳаваскорлар ансамбли шу кунларда пахтакорлар ҳузурида бўлиб, ўз санъатларини намойиш этмоқдалар. Бу ансамбль иштирокчиларининг программаси ранг-баранг. Суратда: ансамбль иштирокчилари Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхози пахтакорлари ҳузурида.

Р. Шакаев фотоси.

КУРАШ ҚЎШИҚЛАРИ

Буюк рус шоири Некрасов ҳар қандай шоирнинг граждан-лик бурчи ва масъулиятини унинг шоирлик маҳоратидан ҳам юқорироқ қўйган эди. Дарҳақиқат, шоир ўз халқининг орзу-умидлари, қураши, ҳаёти билан бирга яшамоғи, куйламоғи керак. Абу ал-Қосим Саадалла ҳам ўз халқининг содиқ фарзанди, толмас куйчиси. У Жазоир халқининг озодлик ва мустақиллик учун олиб борган қаҳрамонлик курашларининг иштирокчиси ҳамдир. У ҳамиша жасурликни қаламга олади, халқ қаҳрамонлигини мадҳ этади. Ўз ватандошларининг келажагига умид кўзи билан қарайди. Унинг шеърлари фақат Жазоирда эмас, Шарқий Арабистоннинг прогрессив бадиий матбуоти ва журналларидан ҳам муносиб ўрин олиб келмоқда. Жанговар ёш шоирнинг «Жазоирга ғалаба!» номли шеърлар китоби жуда кўп тилларга, шу жумладан рус тилига ҳам таржима қилинди. Совет китобхонлари уни севиб ўқийдиган бўлиб қолдилар. Биз қуйида ҳароратли, курашчан шоирнинг шеърларидан бази намуналарни ўзбек шеърхонларига ҳавола этамиз.

Абу ал Қосим СААДАЛЛА,
(Жазоир).

ШОИР

Унинг қалби ёнар аланга янглиг,
Эзгуликкa ташна, зулмга ғаним.
Ҳар бир шеъри унинг мунаввар тонгни
Бошлаб келар, қувлаб зулмат тунларни.
У тоза, бор яна улуғворлиги,
Мақтов, мукофотга майл қилмайди.
Шеърларин битар у кўз ёш, қонига,
Эл қалбида яшар, у ҳеч ўлмайди.

ТОҒДАН ТЕЛЕГРАММА

Она ҳаяжон-ла очар телеграммани
Қотма бармоқлари титрайди бир зум.
Бир зум хаёллари кезар оламни,
Тиниб кетар нўзлар, унутар ўзин.
Ўкпар қўнган сочлар тўзғир паришон,
Юзларида ажинлар ҳам ўрмалар.
Ҳорғин нигоҳида жонланар ўғлон,
Юрагини соғинч дарди тирналар.
Кўз ойнаги қани,
Қайда эди-я?
Мовий қоғозни у кўзига сурар.
«Тоғдан телеграмма»...
Ўғлидан...
Лочиним мани!
Дилида ҳаяжон,
Дегандай: «Онажон».
Онани мисоли оташ, чўғ ўрар.
Лаблари пичирлар фақат:
Ўғлим — Муҳаммад!
Сатрларни ўқир ҳижжалаб она,
Эвоҳ, қандай алам, изтироб яна:
«Озодлик жангида ўртоқ Муҳаммад
Қаҳрамонлик билан кўз юмди абад...
Евларга аёвсиз эди нафрати,
Жангларда намуна эди, журъатли.
Ғалабага ишонч эди нўнглида,
У шундай деёлди умрин сўнгида:
«Ватанимга шуҳрат,
Ватанимга шон!...
Бир кафт тупроқ учун,
Бир қатра сув учун
Жанг қилдим,
Шул азиз Ватаним учун!
Онажон, ўпиб қўй болаларимни,
Упиб қўй, қиларим, лолаларимни.
Онажон, қаддингни букма, тур мағрур,
Қўбшга қўлларинг узат, бир сурур,
Истак билан куйла озодлик гимнин.
Ҳаққинг бор!
Ҳаққи бор бунга ҳар кимнинг.
Мен учун баралла куйла, онажон!
Ватанимга шуҳрат,
Ватанимга шон!».
Тоғдан телеграмма,
Телеграмма тоғлардан,
Оҳ, онажон, она
Енма доғларда.
Жанговар дўстлари нўмдилар уни,
Гуллар, кўз ёшларга ювиб қабрни.
Унсиз фаредлардан титради она,
Забун юрагини тиклади яна...
Тоғдан телеграмма,
Оҳ, маъсум она.
Лаблари такрорлар Ўғлон сўзларин,
Аччиқ кўз ёшларга тўлар кўзлари.
Пичирлар баҳоли қудрат меҳрибон:
«Ватанимга шуҳрат,
Ватанимга шон!»
Шамоллар безовта увлар сар-сари,
Афтода онадан кетолмай нари.
Тунлар ўтди шундай кўз ёши билан,
Тонглар отди яна нуёши билан.
Қирлар лолалардан бўлдилар алвон,
Дегандайин:
«Ватанимга шуҳрат
Ватанимга шон!».

Эътибор ОХУНОВА таржималари.

АХБОРОТ
ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР

ЛОЙИҲАЧИЛАР ЮТУҒИ

ҚАРШИ, (**«Совет Ўзбекистони» мухбиридан**). Даштни гуллаган водийга айлантиришдек ҳайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшаётган «Каршистрой» бошқармасига қарашли лойиҳа-қидирув идораси коллективи сифат ва самарадорлик беш йиллигининг биринчи йили топшириғини муддатидан тўрт ой олдин бажарди. Коллектив саккиз ой мобайнида 150 минг сўмликдан кўпроқ лойиҳа-қидирув ишларини амалга оширди. Лойиҳачилар йил охиригача қўшимча равишда 70 минг сўмлик лойиҳа-қидирув ишларини бажаришга аҳд қилишди.

П. ГАДОЕВ.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

АНДИЖОН. «Андижанирстрой» трестининг Пахтаобод районидаги механизациялашган кўчма колоннаси коллективи катта меҳнат ютуғини қўлга киритди. Улар ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йили план-топшириқларини муддатидан илгари бажаришди. Бош пудрат бўйича планда белгиланган 2 миллион 519 минг сўм ўрнига 2 миллион 520 минг сўмлик, жумладан ўз кучи билан 2 миллион 179 минг ўрнига 2 миллион 230 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ўтган вақт мобайнида колонна коллективи Пахтаобод ва Избоскан районлари территорияларида ирригация иншоотлари қуриш, ерларни ўзлаштириш ва капитал планировка қилиш, ариқ ва каналларни реконструкция қилиш бўйича катта ишларни амалга оширди. Коллективда бир беш йилликда икки беш йиллик план-топшириқларини бажариш учун бошланган мусобақа кенг авж олган. Шу кунларда бульдозерчилар Р. Ҳамроқулов ҳамда А. Дадаховнлар келаси йилнинг март ва апрель ойлари ҳисобига меҳнат қилишяпти.

А. АСҚАРОВ.

ЎТМИШ САДОЛАРИ

СССР Фанлар академияси археология институтининг экспедицияси Афғонистонга жўнаб кетди. Бу делегация шимолий Афғонистондаги қадимий ёдгорликларни қазишнинг навбатдаги мавсумини бошлайди. Тарих фанлари доктори, экспедиция раҳбари Ирина Кругликова шу муносабат билан қуйидагиларни айтди:

— Аввалги еттита экспедиция давомида шимолий Афғонистоннинг археология харитасига тош асридан тортиб антик даврга охиригача барпо этилган икки юздан ортиқ ёдгорлик белгиси қўйилди. Улар орасида эрамиздан аввалги икки мингинчи йилларга мансуб шаҳарларнинг истеҳкомлари, сарой-маъмурий комплекслар, ибодатхоналар бор.

Дилбаржон деган ҳозирги замон қишлоғи яқинидаги антик даврга мансуб шаҳарни ўрганиш давом эттирилди. Шу қишлоққа нисбат берилиб бу шаҳар ҳам Дилбаржон деб аталди. Бу ерда кўпдан-кўп миноралари бўлган 8,5 метр баландликдаги мудофаа деворлари, шаҳар марказидаги қўрғон, будда ибодатхоналари, грек худолари шарафига қурилган ибодатхоналар ва чамаси Кушон шохлари сулоласи билан боғлиқ бўлган яна бир ибодатхона топилди. Дилбаржон шаҳри, масалан Ўзбекистоннинг Термиз шаҳри яқинидаги Зартепа билан айни бир пайтда емирилганлиги аниқланди. Бу фалокат эфталитларнинг босқини билан боғлиқ бўлиши эҳтимол.

Амударёнинг иккала соҳилидаги ёдгорликларнинг тарихигина бир хил бўлиб қолмай, бу ерда топилган ҳайкаллар, деворга ишланган суратларнинг қолдиқлари, кулолчилиқ асарлари, сопол ҳайкалчалар ҳам бир-бирига жуда ўхшаб кетади. Бу эса дарёнинг иккала соҳили территорияси битта Бақтрия давлати доирасида яхлит бўлганлигидан яна бир карра далолат беради.

Кейинги йилларда биз олис асрларга «ичкариладб» бордик. Экспедициянинг махсус отряди тош даврини ўрганиш билан шуғулланди. Турли пайтларга мансуб ёдгорликларни ўрганиш туфайли бир неча минг йиллар давомида шимолий Афғонистон территориясида содир бўлган социал-иқтисодий ўзгаришлардан ташқари айрим географик ўзгаришларни ҳам аниқлашга муваффақ бўлинди. Маълум бўлишича, биз иш олиб бораётган Обод Балх воҳаси зонаси қадим замонларда аста-секин жануб томонга сурилган. Воҳага ҳаёт бахш этиб турувчи Балх дарёси ва унинг ирмоқлари ўзанининг ўзгариши, кейинчалик эса антик даврда барпо этилган ирригация тармоғининг қуриб қолиши эҳтимол бунга сабаб бўлгандир. Бу воқеа феодал тузумининг парокандалиги давридан бошланган. Қадимий суғориш системасини ўрганиш шимолий Афғонистон ерларини мелиоратив жиҳатдан ўзлаштириш планларини ишлаб чиқиш вақтида кўл келиб қолиши мумкин.

— Бу галги мавсумда Оқча шаҳри билан Кундуз шаҳри ўртасидаги район учун археология харитасини тузиб битказиш мўлжалланмоқда, — деди сўзининг охирида экспедиция раҳбари. — Бу эса шимолий Афғонистоннинг биринчи тўла археологик атласини вужудга келтиришга асос бўлади.

Е. ВЕЛИЧАНСКАЯ,
УзТАГ мухбири.

Термиз.

ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ТОМЧИЛАБ СУҒОРИШ

«Узгипроводхоз» лойиҳа институти инженерларининг Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик республика илмий-тадқиқот институти олимлари билан ижодий ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Адирлардаги хўжаликларда боғ ва токзор қилиш учун тажриба ўтказиладиган далаларни барпо этиш лойиҳаси боғбон — олимларга топширилди, бу адирлардаги боғлар ва токзорлар янги усулда — томчилаб суғорилади. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, полиэтилен қувурлар ернинг устига эгатлар бўйлаб ётқизилади. Ана шу полиэтилен қувурлардан чиқадиган сув томчилари ўсимликларга баҳра беради. Шунинг натижасида қатор ораларидаги тупроқ эгатлардан сув очилганида ер қотиб қолмайди, кам культивация қилинади, қатор оралари камроқ ишланади ва озуқа ҳам камроқ берилади.

«Узгипроводхоз»да ҳозир Бўстонлиқ районида, энди барпо этилаётган Паркент магистрал канали зонасида томчилаб суғоришни жорий этиш лойиҳалари тайёрланмоқда. Бу ерлардаги адир ерларда Тошкент областининг боғдорчилик ва узумчилик саноат базасини барпо этиш мўлжалланмоқда. 1-совхоз учун лойиҳа тузиш тугай деб қолди, бу ерда қувурлардан томчилаб ва фильтр усулида нам бериш системасини яна 20 гектарлик боғда синаб кўришга қарор қилинди. «Узгипроводхоз» ходимлари конструкцияларни тузиб чиқадилар, уларни тайёрлаб ва монтаж қилиб берадилар.

Мутахассисларнинг фикрича, томчи усулида суғоришдан сахролардаги қумлик жойларда ҳам фойдаланса бўлади. Хива районида Қорақум билан чегарадош жойда шундай участка барпо этилмоқда. Кўлнинг ёнидан ўтадиган сув сатҳини маромга солиб турадиган зовурдан экинларни суғориш учун сув олинади. Дастлабки ҳисобларга қараганда, Хоразм областида қум барханларининг умумий майдони қарийб 45 минг гектарни ташкил этади. Томчи усули билан суғориш ёрдамида ана шу ерларни боғ-бўстонларга ва токзорларга айлантириш мумкин.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 1-УИСОЗЛИК КОМБИНАТИГА ВА УНИНГ ҚУРИЛИШ БЎЛИНМАЛАРИГА

бетончилар, монтажчилар, бўёқчилар, дурадгорлар, электр пайвандчилар, слесарлар, электриклар, қурилиш касби бўлмаган кишилар

КЕРАК

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг «УЗГИПРОВОДХОЗ» ИНСТИТУТИГА

катта инженерлик лавозимига геологлар, қурилаётган объектларнинг геология назоратини амалга ошириш учун инженерлар, Новгород областида мавсумий дала ишлари учун ишчилар

КЕРАК

Бутуниттифоқ «Каскад» бирлашмасининг ЎРТА ОСИЁ ЛОЙИҲА-МОНТАЖ ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИГА

инженерлар, техниклар: телевидение, автоматика, телемеханика, электропровод, астрономия, электрон-ҳисоблаш машиналарининг электроникаси ва механикаси, оптика, телеграфия, радио алоқаси ихтисослари бўйича алоқа монтажчилари; кабелчилар, кавшарловчилар, АТС созловчилари; автоматика алоқаси мутахассислари, ҳайдовчилар, тракторчилар, бульдозерчилар, экскаваторчилар, автослесарлар, токарлар, газ электр пайвандчилар (жойларга чиқиб ишлаш учун).

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона ва район ижроия комитетларидаги ишга жойлаштириш пунктлари.

Телевидение

26 СЕНТЯБРЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Зарядкага сафланинг. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — «Орлёнок» телестудиясида учрашув. 13.00 — Музикали кроки. 13.30— Қишлоқ янгиликлари. 14.30—Концерт. 15.00 — Адабий суҳбатлар. 15.45 — Бугун — машинасозлар куни. 16.00 — Музикали программа. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 17.00 — Мультфильмлар. 17.45 — Халқаро панорама. 18.15 — Концерт. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 20.15 — Совет Иттифоқи — чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 20.30 — **Қароқчи чоллар** (кинокомедия). 22.00 — **«Вақт»** 22.30 — Концерт.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20— Куйланг, ёш ҳонандалар (телеконкурс). 10.50 — Совет Ўзбекистони ёзувчилари. 11.30 — Музикали программа. 12.15 — Сирдарё ГРЭСи — Ўзбекистон энергетикасининг байроқдори. 12.45 — «Замандас». 13.45 — Спорт кўрсатуви. 14.35 — Киноэкран янгиликлари. 18.05 — «Светофор». 18.45 — «Ватанпарвар». 19.05 — Ота-оналар университети. 19.35 — **«Ахборот».** 19.50 — Бугун — машинасозлар куни 20.00 — **Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.** 20.45 — Ноз-неъмат бунёдкори. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — **Телеминиатюралар.** 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — Машинасозлар учун концерт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

27 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Эрталабки гимнастика. 10.30— Мультфильмлар. 11.15 — Ҳайвонот оламида. 12.15 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 14.30 — Меҳнатинг — иқболинг. 15.10 —Драматург А. Арбузов. 16.10 — Биз табиат билан танишамиз. 16.30 — **Қизча отасини излайди** (бадиий фильм). 18.00 — Ишлар адреслари. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.25 — Концерт. 20.10 — Социалистик мусобақа кунделиги. 20.55 — А. Н. Островский. «Гирдоб» (фильм-спектакль). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Фильм-спектаклнинг давоми.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильмлар. 12.30 — География. 13.00 — **Ғалвасиз кун кўр-а** (бадиий фильм). 18.30 — Саҳнат гунчалари. 19.00 — Ўзбекистон — ВАМга. 19.25 — Тошкент оперетта театри. 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — Совет турмуш тарзи. 20.30 — Концерт. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Осиё ва Африка мамлакатлари ёш ёзувчиларининг учрашуви олдидан. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — Пахтазор — мардлар майдони. 22.50 — **Ой бориб, омон қайт** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Буни ҳамма билиши керак. 19.25 — **Угрюм дарё** (бадиий фильм, 1-серия). 20.45 — Тошкент янгиликлари. 21.00 Реклама. 21.10 — Визнинг бош мухбиримиздан...

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/IX да **Қалби олов,** 27/IX да **Келинлар қўзголони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/IX да **Комедия, комедия, ёхуд ҳангома,** 27/IX да **Олифта.**

Кино

26 СЕНТЯБРДА

Қизлар турмушга чиқиши шарт — НАВОИЙ номли (11, 13,30, 16, 18.30, 21), «ВОСТОК» (10, 13, 16, 18.30, 21), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (16, 18.30, 21), «НУКУС» (11, 13.30, 16.30, 21), «ЧАЙКА», «ҚОЗОҒИСТОН», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Табор нўкка интилади — «ЎЗБЕКИСТОН», С. РАҲИМОВ номли (жуфт соатларда), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Рикки-Тикки-Тави — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Сотувчи — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

27 СЕНТЯБРДА

Сотувчи — «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 13, 16, 17, 20,00), «ВОСТОК» (10, 13, 16, 18.30, 21), «ДРУЖБА» (11, 14, 17, 20), «МОСКВА» ,«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети аппарати ходимларининг коллективи область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонова рафиқаси

Жамила Акромовна МУСАХОНОВА

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

СПОРТ

СУВОРИЙЛАР ОТ СУРГАНДА

Спортнинг кўҳна ва ҳамиша навқирон тури — чавандозлик ихлосмандлари неча эрталабданоқ тўп-тўп бўлиб Тошкент отчопарига йиғила бошлашди. Бу ерда колхоз, совхоз ва от заводлари чавандозларининг XIX Бутуниттифоқ мусобақаси тантанали суратда очилди. Барча иттифоқдош республикалардан келган 400 дан ортиқ суворийлар трибуналар олдидан арғумоқларда саф тортиб ўтдилар.

Узбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри А. А. Уркинбоев мусобақа қатнашчиларини қизғин табриклади.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги томонидан уюштириладиган бу хил мусобақа амалда уста чавандозлар учун анъанавий синов, мамлакатимиздаги зотдор отларнинг эса натта кўриги бўлиб қолган. Шу боисдан Тошкент отчопаридаги мусобақа программаси ниҳоятда ранг-баранг эканига ажабланмаса бўлади. Ташкилотчилар белгиланган мусобақаларни иккига бўлиб ўтказишга қарор қилишди. Қатнашчилар 25-26 сентябрь ва 2-3 октябрь кунлари турли ташкилот ва идоралар таъсис этган 50 та фахрий соврин учун куч синашадилар. Программада чавандозликнинг классик турларидан ташқари миллий спорт ўйинлари ва ҳар хил пойгаларга ҳам кенг ўрин берилган. Афсонавий тачанка ва рус «тройка»сида ҳам ажойиб мусобақа бўлади.

Тошкент отчопаридаги қизиқарли мусобақаларда Монреаль олимпиадаси қатнашчиси Валерий Дворянинов, СССР халқлари VI спартакиадаси голиби Мамажон Исмоилов, мамлакат чемпионлари Нина Степанова, Алла Ползунова, Юрий Привалов, истеъдодли ёшлардан андижонлик Р. Убайдуллаев, А. Ахметшин ва бошқалар иштирок этмоқда.

Р. ҚОСИМОВ.

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

ВАТАН УЧУН ЖАНГ ҚИЛГАНЛАР

Ўттиз бир йилдирки у ҳар Ғалаба байрами тонгини орзиқиб кутади. Шу кун хонадони дўст-ёрлари, қариндошлари, қўни-қўшниларн олиб келган қучоқ-қучоқ гулларга тўлиб кетади. Табрик хатлари, телеграммалардаги илиқ сўзлардан кўзларига севинч ёшлари қалқади.

Одатдагидек, Ҳикоят опа ичкаридан эрининг костюмини олиб чиқиб эгнига соладн. Маҳкам ака Шодиев кўксида буюк ғалабанинг юбилей медаллари ярақлаб кетади. У аллақандай ифтиҳор туйғусига тўлиб, одамлар оқимига қўшилади ва номаълум солдат қабри томон одимлайди.

Ўликлар ва тириклар ҳаққи ҳурмати бу ердан ҳеч ким таъзимсиз ўтмайди. Улуғ Ватан урушида ўғилларидан, турмуш йўлдошларидан, ака-укаларидан, яқинларидан жудо бўлганлар қаторида Маҳкамака сукут этмоқда. Аҳали мунгли онанинг жигаргўшаси эҳтимол жангда унга қуролдош бўлгандир. Жангу-жадалда биродар тутунган йигитлардан бири эҳтимол шу ердаги бир нигор кўзнинг умр йўлдоши бўлгандир.

Улар Ватан учун жанг қилдилар. Унинг ҳар қарич ери учун жон-олиб жон бердилар. Мана шу Ватан ўғлонлари она юртларини ахир ундан кам севишмасди. Улар ҳам ғалабага худди унингдек ишонишар. худди унингдек бу кунни орзиқиб кутардилар. Лекин бу кун кимларга насиб қилмади, кимларга насиб этди...

Ахир фашистнинг бир дайди ўқи билан бутун бир умр ҳазон бўлиши ҳеч гап эмасди. Етти ўғил-қизга ота бўлиш, уларни ҳаётга муносиб кишилар қилиб вояга етказиш қаёқда эди. У оила, тотув турмуш бахтига эришди. У оғир кунлар заҳматини елкасида кўтарган бардошли халқи билан одимма-одим фаровон ҳаёт учун бел боғлади. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Октябрь революцияси номли Тошкент тепловозвагон ремонти заводи территориясида барк уриб ётган боғ-роғлар Маҳкам Шодиев номи билан боғлиқ. У урушдан қайтиб келгач, узоқ вақт заводда боғбонлик қилган, завод пионер лагерларида ишлаган. Кейинроқ пойтахтдаги 134-боғчага ишга ўтди. Боғча биноси Тошкент зилзиласидан кейин сайҳон ерда қад кўтарган эди. Боғбон болаларнинг бўйига ўлчаб ниҳол экди. Уларни меҳр билан парвариш қилди. Ҳозир боғчага кирсангиз чиққингиз келмайди. Болалар соя-салқин ҳовлида яйраб юришибди. Октябрь массивидаги яна бир мўъжазгина жой Маҳкам ака номи билан боғлиқ. Бу — «Шарқ юлдузи» маҳалласидаги қарияларг чойхонаси, муҳташам клуб ва клуб атрофидаги яшнаб ётган гулзор боғ. Буларни массивликларнинг ўзлари хашар йўли билан бунёд этганлар. Маҳкам ака Шодиев эса ана шу ободлиқни яратишда бош-қош бўлган, замбиллаб ғишт, тупроқ ташиган, ариқ қазиб сув чиқарган, дарахт экиб яшнатганлардан бири.

Маҳкам ака Шодиев Улуғ Ватан урушидаги жасоратлари учун бундан 31 йил бурун «Қизил Юлдуз» ордени ва «Жанговар хизматлари учун», «Жасорати учун» медаллари билан тақдирланган. Бу бахт юлдузлари эгасини 31 йил қидирди. Ниҳоят топди. Нега 31 йил қидирди, деган ҳақли савол туғилади.

Бу жумбоқнинг тафсилоти у қадар узоқ эмас.

Маҳкам, Маҳкам... Ҳар қадамда бир-бирларини йўқлаб турадиган қуролдош дўстларга бу исм ҳа деганда ўрганиш бўлавермади.

— Михаил десак хафа бўлмайсанми, бу ҳаммамизга айтишли, жўн, — ўртага олди украин, арман, рус ва белорус йигитлари Маҳкамжонни.

— Майли, — жилмайди йигит.

Шу-шу уни Михаил деб атадилар. Бу исм ўзига ҳам шу қадар ўрганиш бўлиб кетдики, ҳаттоки госпиталга ярадор бўлиб тушганида ҳам исминг нима деб сўрашганида, Михаил деб қўя қолди.

Мукофотлар 31 йил Михаил Шодиевни кидирди. Лекин тинч ҳаёт қўйнида Михаил—Маҳкам Шодиев бўлиб ҳақиқий исми билан яшамоқда эди.

Октябрь район ҳарбий комиссариатидан келган вакиллар маҳалла клубида йиғилганлар орасида Маҳкам Шодиевга орден ва медалларни тантанали равишда топширдилар. Улуғ Ватан уруши ветерани мукофотларни қабул қилиб оларкан, қисқагина қилиб «Совет Иттифоқига хизмат қилишга ҳамиша тайёрман» деди. Шу икки оғиз сўзда унинг бутун ҳаёти мужассам, У ҳудди шу қасам, шу туйғу билан Ватан ҳимоясига отланган эди.

Маҳкам Шодиев 1-Украина фронтида. Львов, Ужгород шаҳарларини озод қилишда қатнашди. Львовни дардмандан тозалаётганларида чап қўлидан яраланиб, икки ярим ой госпиталда даволанди. Тузалиб 4-Украина фронтига қайтиб келди. Польша, Чехословакияни душмандан озод қилишда мардлик кўрсатди.

1142-ўқчи полки. Оддий автоматчи — жангчи Маҳкам Шодиевнинг жанговар таржимаи ҳоли қуролдошларинкидан сира фарқ қилмасди. Жангда йиқилганни суриш, бир-бирингни ярангни боғлаш — оддий иш. Керак бўлса жанговар байроқни қўлига олиб у жангчиларни олға бошларди. Разведкага борди, ўнлаб фрицни асир олди.

Чехословакияни озод қилишда рота командири яраланиб сафдан чиқди. Батальон командири оддий жангчи Маҳкам Шодиевга «Ротани қабул қилинг» деб буйруқ берди.

— Карпат тоғининг бошланиши. Душман темир йўлни босиб олган. Командир Шодиев душманга кутилмаган томондан зарба берди. Фашистлар тум-тарақай бўлди. Темир йўл совет жангчилари қўлига ўтди. Шу орада командир тўпигидан яраланди. Тўпиғига қадалган снаряд парчасини жон аччиғида суғириб олганини билади, ҳушидан кетди. Ўзига келганида замбилда тўрт йигитнинг жанг майдонидан уни кўтариб олиб чиқаётганларини кўрди. Бу ўшалар, исмини Михаил деб ўзгартирган полкдош дўстлари, Толик, Василий, Геннадий, Апанасий эдилар. Йигитлар йўл ёқасида уларни кутиб турган санитария аравачасига Маҳкамни ётқизиб, иссиқ хайрлашдилар-да, зудлик билан орқага—полкка қайтдилар. Йўлда яна отишмалар, портлашлар бошланди. Қўш отдан бири ишдан чиқди. Ярадорлар узоқ йўл устида қолиб кетдилар. Ниҳоят госпитал. операция, биринчи қадам, она-юрт билан дийдор васли...

Пойнигга поёндоз бўлган қарчиғай ўғлонларинг билан ҳар қанча фахрлансанг арзийди она-Ватан. Улар ҳаётинг нақши, улар сенинг қўш-қанотинг, парвозинг, посбонинг. Омон бўлинг йигитлар.

Дилбар МАҲМУДОВА.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР
Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.
Р. 20206
Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Индекс 64583.
В. — 226.